

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Шовот тумани

«_16_» май 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Хоразм вилояти Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Устав асосида иш кўрувчи бошлик М.Қурбанов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION_ номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари _Хайтов Ихтияр_ иккинчи томондан Шовот тумани Шовот маҳалласи “Хива” кўчаси ички хўжалик йўлини таъмирлаш(0.314км) бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади;

-ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

-қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

-вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Шовот тумани Шовот маҳалласи “Хива” кўчаси ички хўжалик йўлини таъмирлаш(0.314км) объектида кузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қўшилган қиймат солиғи билан бирга **_219 880 777_ (икки юз ўн тўққиз миллион саккиз юз саксон минг ети юз етмиш етти)** сўми ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқирилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида шартнома бўйича қўйилган тартибда белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
 - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
 - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
 - қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
 - қурилиш майдони кўрикларинини таъминлаш;
 - қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига I-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки старли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни « 15 » « июл » 2022 йил фойдаланишга топширилиши белгиланали.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс ўтказди, бу 65 964 233.1 *(олтмиш беш миллион тўққиз юз олтмиш тўрт минг икки юз ўттиз уч сўм 1м)* сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан беш банк кунида молиялаштирилади ва қолган 70 % миқдоридаги тўлов ишларни бажариш жадвали ҳамда Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охириг қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг қечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

30. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолати амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

31. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

33. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

34. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун

хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

41. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот оининг охирги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

43. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

45. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 50% ошмаслиги керак.

46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

47. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

48. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

48.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

48.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар

олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассуротларни қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

48. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

49. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

50. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

51. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

52. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

53. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

54. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

55. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Мазкур шартнома «_31_» «_декабр_» 2022 йилгача амал қилади.

58. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594 сонли қарорига асосан Газначиликда руйхатга олингандан кейин қонуний кучга киради.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси	"KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Манзили: Шовот туман "Туркистон" кўчаси, 78-уй	Манзили: Хива шаҳри Ж.Каландаров кўча №20 уй
Тел/факс: (62) 34-51-661	Тел/факс: +99891-427-01-01
X/p: 401722860332307065200110001	X/p: 2020 8000 6050 3547 3001
СТИР: 206945071	СТИР: 306051914
ИФУТ: 70100	ИФУТ: 42110
Банк: Марказий банк Ташкент шаҳри ХКМК	Банк: АТ Халк банк Хива ф
МФО: 00014	МФО: 00811

Бошлиқ:

М.Курбанов

М.Ў.



И.Хантов

(имзо)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: 1-son pudrat shartnomasi

«Buyurtmachi» deb yuritiladigan Shovot tuman Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan Ustav asosida ish ko'ruvchi boshliq **M.Qurbanov** bir tomondan, keyingi o'rinlarda «**Pudratchi**» deb yuritiladigan **KHIVA INAVASION CONSTRUCTION MCHJ** nomidan Ustav asosida xarakat qiluvchi korxona rahbari **I.Xaitov** ikkinchi tomondan Shovot shaxri "Xiva" ko'chasi hududida ichki xo'jalik yo'lini ta'mirlash bo'yicha qurilish-montaj ishlarini amalga oshirish bo'yicha umumiy qiymati **219.880.777** so'mlik shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot - Shovot tumani Obodonlashtirish Boshqarmasi tomonidan 16.05.2022 yil sanasida ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Ushbu loyiha O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi №670-I-sonli Qonuni va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



Qurbanov B.R.



Шовот Тумани Шовот МФЙ Хива кўчаси
ички хўжалик йўллари жорий таъмирлаш (0,314 км).
Йўл камчиликларини кўрсатувчи жадвал

Қисм чегараси ПК+	Узунлиги (м)	Йўл элементлари аҳоли	Йўл камчиликларини тузатишда қилинадиган ишлар	Ўлчов бирлиги	Сони
1	2	3	4	5	6
1-Участка.					
0+00 0+14	14	Йўл пойи эни 7-8 м. Йўл тўшмаси эски а/бетондан ўргача эни 6 м. Юзаси емирлишлар мавжуд.	1. Мавжуд коппамани материал қўшмасдан бузиб йўл профилини тўғирлаш, эни 6 м. Туташмаларда эгрлик майдонини хажми қўшиб ҳисобланган R= 5 м. (5,365x2) 14x6 2. Чакилган тошдан Н=12 см қалинликда йўл асосини қуриш, эни 6 м. Туташмаларда эгрлик майдонини хажми қўшиб ҳисобланган R= 5 м. (5,365x2) 14x6 3. Янги майда донали а/бетон қоришмасидан эни 6 м. Н=5 см қалинликда коппама қуриш. Туташмаларда эгрлик майдонини хажми қўшиб ҳисобланган R= 5 м. (5,365x2) 14x6	м2	94,7
0+14 3+14	300	Йўл пойи эни 6-7 м. Йўл тўшмаси эски чакилган тошдан ўргача эни 4,5 м. Юзаси нотекис.	1. Мавжуд коппамани материал қўшмасдан йўл профилини тиклаш, эни 4,5 м. Коппамага туташиш юзаси 15 м2 қўшиб ҳисобланган. 300x4,5 2. Чакилган тошдан Н=12 см қалинликда йўл асосини қуриш, эни 4,5 м. Коппамага туташиш юзаси 15 м2 қўшиб ҳисобланган 300x4,5	м2	1365,0
				м2	1365,0

1	2	3	5	6
		3. Янги майда донали а/бетон қоринмасидан эни 4,5 м. Н=5 см қалинликда қоплама қўриш. Қопламага туташинш юзаси 15 м2 қўшиб ҳисобланган 300х4,5	м2	1365,0
		4. Йўл ёқасини тулроқ билан тўлдириб, текислаб зичлаш.	м2/м3	450,0 74,3
		5. Йўл ёқасини қакилган тош билан мустаҳкамлаш, эни-0,75 м. Н=5 см. 300х0,75х2	м2	450,0
0+03	Йўл белгиси йўқ.	Янги йўл белгиларини 2.4 размер 900х900 темир устуни билан бирга ўрнатиш.	дона	1,0

Эслатма: Материалларни катнаш масофаси: Қакилган тош Жумуртов к.р. - 57 км. А/бетон Урганч АБЗ - 28 км.
Темир ва т/бетон махсулотлар Хоразм ҚФУК полигонини - 30 км.

Шовот тумани ободонлаштиришдан вақили:

Шовот тумани "Шовот" маҳалласи ФЙР:

«Хоразмйўллойиха»ЛК МЧЖ Бўлим бошлиғи:



Шеееев

Р. Тачаев

Д. Давлетов

Давлетов О.

(Handwritten signature)



XALQ DEPUTATLARI SHOVOT TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 20 - oktabr

VI-46-45-12-177-K/21

Shovot tuman hokimligi

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”даги маблағларни мазкур тадбирларга йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Халқ депутатлари Шовот туман Кенгашининг 2021 йил 28 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 37-172-сонли қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали “Ташаббусли бюджет” жараёнида фуқаролар томонидан ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича киритилган таклифларнинг 3-босқич, яъни “Овоз бериш” жараёни якунида аниқланган “Ғолиб таклифлар” рўйхати ҳамда ундаги шаклланган тадбирларни молялаштириш бўйича манзилли рўйхати иловага мувофиқ “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 07.0

млн сўм (саксон тўққиз миллион), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очик бюджет ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-5250-сонли Қарори бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча ажратилган 500 млн сўм (беш юз миллион), шунингдек, Шовот тумани маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3 чорак якуни бўйича шаклланадиган даромадлар режасининг ортиқча бажарилган қисмидан “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га ўтказиладиган 30 % маблағлар ҳисобидан 161 млн сўм (бир юз олти миш бир миллион) ёки жами 750 млн сўм (етти юз эллик миллион сўм)ни ташкил қилиб ушбу маблағлар ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида очилган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг “openbudget.uz” портали орқали овоз бериш жараёнида голиб деб топилган таклифларни молиялаштириш учун 1-иловага мувофиқ йўналтирилсин.

4. Шовот туман ҳокимлигининг ахборот хизмати (М.Искандарова)га ва туман ҳокимлиги молия бўлими модератори (Ш.Курбанов)лар билан биргаликда 3-босқич, яъни “Овоз бериш” жараёни якунида аниқланган “Голиб таклифлар”, шунингдек, ундаги шаклланган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга ошириладиган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги молия бўлими мудир (Д.Абдуллаев)га ва туман газначилик бўлинмаси (У.Бобожонов)га бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш, белиланган тартибда тўловни амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Якубов, М.Қуранбаев, Б.Отажонов) ҳамда халқ депутатлари Шовот туман Кенгашининг доимий комиссия раислари зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.А. Отахонов

Халқ депутатлари Шовот туман
кенгашининг
2021 йил 20 октябрдаги
VI-46-45-12-177-К/21-сон қарорига
1-илова

Шовот тумани бўйича 2021 йилда қишлоқ-қавиқ фуқаролик аҳолиси билан алоқаларни янада яхшироқроқ қилишнинг йўналишлари бўйича
МАЎЖАВАҲТЛИК

№	Қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар			Аҳоли билан алоқаларни янада яхшироқ қилиш	Халқ билан алоқаларни янада яхшироқ қилиш	Аҳоли билан алоқаларни янада яхшироқ қилиш	Қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар
	Туман бўйича	Қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар	Қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар				
"Қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар" аҳолиси билан алоқалар				100 000 000	1	1	1
1	10000000	Шовот тумани Шовот қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар	100	100 000 000	100 000 000	Қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар	Шовот тумани қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар
2	10000000	Шовот тумани Шовот қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар	200	200 000 000	200 000 000	Қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар	Шовот тумани қишлоқ-қавиқ аҳолиси билан алоқалар
Умумий ҳисобда				300 000 000	2	2	2